



e-ISSN: 2319-8753 | p-ISSN: 2347-6710

IJRSET

International Journal of Innovative Research in
SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

Volume 11, Issue 3, March 2022

ISSN INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER
INDIA

Impact Factor: 7.569

 9940 572 462

 6381 907 438

 ijirset@gmail.com

 www.ijirset.com



Possibilities of Using the Cluster Method in the Educational Process

Abdirimova Intizor Kamilovna¹

Senior teacher of Chirchik State Pedagogical Institute, Uzbekistan¹

ABSTRACT: the article reveals the concepts of cluster and project activities of pedagogical education, as well as the importance of using the cluster method in the project activities of students in the educational process. The use of the cluster method plays an important role in improving the efficiency of education.

KEYWORDS: cluster, cluster principles, project activity, teacher education cluster, cluster approach, innovative technology, innovative approach, education system, project.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КЛАСТЕР УСУЛИДАН ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Абдиримова Интизор Камилевна¹

Чирчик давлат педагогика институти катта ўқитувчиси.¹Ўзбекистон.

Аннотация: Мақолада педагогик таълим кластери ва лойиҳа фаолияти тушунчаларига таъриф берилиб, кластер усулини таълим жараёнида ўқувчиларнинг лойиҳалаш фаолиятида қўллашнинг аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Кластер усулидан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутиши илмий жиҳатдан ёритилган.

Калит сўзлар: кластер, кластер тамойиллари, лойиҳалаш фаолияти, педагогик таълим кластери, кластер ёндашув, инновацион технология, инновацион ёндашув, таълим тизими, лойиҳа.

Мамлакатимизда давлат мустақиллигининг дастлабки кунлариданок, буюк кадриятларимиз ва маънавиятимизни янада юксалтириш, таълим соҳасидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларига оид бир қатор қарорлар қабул қилинди. Таълим-тарбия тизимини шакллантириш, уни давр талабалари билан уйғунлаштириш ишларига катта аҳамият берилди. Таълим тараққиётида кўзланган бош мақсад – ёш авлод таълим-тарбиясини миллий кадриятлар, истиқлол ғоялари, талабалари асосида ташкил этиш билан бирга жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган даражада бўлишни таъминлашдан иборат. 1997 йил 29 августда Мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун таълимнинг халқ ҳаётидаги ўрни, вазифаси, ҳуқуқий кафолатларини белгилаб, таълимни миллийлаштиришга, унда демократик ва инсонпарварлик тамойилларни қарор топтиришга имкон яратди. Таълим бўйича хорижий давлатлар билан мустақил тарзда ҳамкорлик қилиш йўлларини очиб берди.

Таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ҳукумат қарорларининг барчасида соҳага инновацияларни киритиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Педагогик таълим соҳасида инновацион иқтисодиётнинг тараққий этиш шароитида мустақил изланувчи ва қарорлар қабул қилишга қодир, келажақда ижтимоий ва профессионал муҳитга мослашувчан, жамоа бўлиб ишлайдиган ва муаммоларни ҳал қила оладиган кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Таълимнинг барча турлари ва босқичларида самарадорликни ошириш ва такомиллаштириш жаҳон амалиётида янги механизм сифатида қаралаётган кластер моделини янада ривожлантириш натижасида таълим беришнинг янги имкониятларини топиш, субъектларнинг манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали уларнинг қутилиётган натижаларини кафолатлаш, шахснинг сифатли таълим олишига хизмат қилувчи янги ёндашув ва методларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Буни Ўзбекистон таълим тизимига кириб келаётган “Педагогик таълимда инновацион кластер модели”да ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, мактаб ва олий таълим муассасаси ўзаро ҳамкорликда ишлаши, бир-бирини турли мақсадларда: етук билимли ўқитувчилар тайёрлаш, ўқувчиларни ОТМда ўқишга тайёрлаш ҳамда олиб борилган тадқиқотни бевосита дарс жараёнларида қўллашда ўзаро қўллаб-қувватлаши мумкин. [2.]



Лойиха фаолиятида кластер усулидан фойдаланишда умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасалари, жамоат ва давлат ташкилотларининг ҳамкорлиги асосида ўқувчиларнинг лойиха фаолияти кўриб чиқилади. Ижтимоий аҳамиятга эга лойихаларда қатнашиш мактаб ўқувчиларига умумий ва мукамал билим бериш билан бир қаторда, уларда мустақил ишлаш тажрибасини ҳам шакллантиради. Лойиха жараёнида турли бир-бирига алоқадор бўлмаган ташкилотларнинг иштирок этиши аввало уларнинг инновацион ғояларга дахлдорлиги билан тушунтирилади. Лойиха тушунчасига тўхталадиган бўлсак,

Лойиха (design - дизайн) – баъзи мураккаб ишланмаларни яратиш бўйича ҳужжатлар йиғиндиси, маълум натижага эга мақсадли фаолиятни ташкил этиш учун бирор-бир ташкилий шаклни белгилаш учун фойдаланилади. Лойихалаштириш эса “лойиха” сўзидан олинган бўлиб, реал натижага олиб келувчи, қатъий тартибга солинган ҳаракатлар изчиллигини ўз ичига олувчи муаммони ўзгартирувчи фаолиятни англатади. Ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкил этишдан то (интеллектуал ёки моддий маҳсулотни) оммавий баҳолаш учун уни ҳал этиш усулини тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир. Шу ўринда масалага бу тарзда ёндошганда лойиха фаолиятига жалб қилинганларнинг барчасини бирлаштирадиган, уларнинг умумий қизиқишларини ифода этадиган кластер ёндошувга мурожаат қиламиз.

Кластер атамасининг аниқ ва ягона таърифи бўйича шу кунгача яқиний тўхтама келинмаган, боз устига кластер усулидан педагогикада фойдаланиш шу бугунгача баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу масалалар Э.Г.Гарайшина, М.В.Горемыко, А.Г.Залялова, Н.Ю.Сафонцева, Т.И.Шамоваларнинг илмий ишларида ҳам таҳлил қилинган. Кластер усулини таълим жараёнида қўллашнинг имкониятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун “Кластер” атамасини илм-фан соҳасида қўлланилиши ва маъносига эътибор қаратамиз.

“Кластер” атамасининг келиб чиқиши жуда баҳслидир. Кластер фанга математика орқали аниқроғи кластер таҳлил тушунчаси орқали кириб келган, кейинчалик кимё, физика, социология, иқтисод, ахборотлаштириш каби фанларда кенг қўлланила бошланди.

Энди табиий фанлар соҳасида кластер атамасининг қўлланилишига мурожаат қиламиз.

Физика фанида кластер тушунчаси остида кучсиз боғланган атом ва молекулаларнинг тизими тушунилади. Ядро физикаси радиоактив парчаланишнинг янги тури кластер парчаланиш номини олган. Астрофизикада мураккаб молекулаларни ташкил этадиган атом ва молекулаларнинг кичик гуруҳлари кластер деб аталади.

Астрономлар ушбу атамани маълум бир юлдузлар туркумини ифодалаш учун қўллашади. Юлдузлар кластери гравитация қонунлари орқали бир-бирига боғлиқ юлдузлар туркумидир. Галактика кластери бир неча галактикалардан таркиб топган мураккаб галактика тизими.

Информатикада кластер атамаси умумий белгиларга эга бўлган объектлар гуруҳига нисбатан ишлатилади.

Шаҳарсозлик кластери катта шаҳарлар ҳудудининг бир қисми бўлиб, уларда уй-жой, савдо-сотик, хизмат кўрсатиш, кўнгилочар, маъмурий инфратузилма ташкил қилинади.

Тилшуносликда эса турли тил ва шеваларнинг бир-бирига яқин бўлган белги ва тушунчалари кластер деб юритилади.

Кластер усули инсон фаолиятининг турли йўналишларини бирлаштирадиган умумий белги сифатида қаралади. Лойиха усули эса кластер методининг бир кўриниши сифатида намоён бўлади, чунки бу жараёнда барча иштирокчилар ўзларига белгиланган вазифаларни изчил бажариш орқали, яъни ташкил қилиш, режалаштириш, раҳбарлик қилиш, инсон ва моддий ресурсларни тақсимлаш орқали умумий мақсадга эришадилар.

Лойиха фаолиятини ташкил этишда кластер усулидан фойдаланиш самарали натижага эришиш учун топшириқни қисм ва тузилмаларга ажратиш орқали унумли амалга оширишни назарда тутати.

Кластер усули гарчи инсон қобилиятини тўла очиб беришга хизмат қилса ҳам, фақат бу метод ёрдамида таълимнинг мукамал сифатига эришиб бўлмайди. Сабаби, янги иқтисодий шарт-шароит, меҳнат бозорининг вужудга келиши, капитал, инсон ақлий ва интеллектуал ресурсларини бозор иқтисодиёти шароитида асосий омиллар қаторига қўшилиши замонавий таълим тизимини тубдан ўзгаришига олиб келмоқда. Таълим соҳасидаги ислохотлар таълим муассасаларининг ташкилий, бошқарув, молиявий мустақиллигига замин яратди. Бу ўз навбатида улар ўртасида рақобат муҳитининг, “Рақобатбардош таълим даргоҳи”, “Рақобатбардош битирувчи”, “Рақобатбардош мутахассис” тушунчаларининг юзага келишига олиб келди.

Шу тарихи таълим соҳаси иқтисодиётнинг ажралмас қисмига айланиб, унда ҳам бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда маълум бир қийматга эга бўлган “Маҳсулот” битирувчи тарбияланади. Таълим соҳасидаги рақобат иқтисод, тадбиркорлик соҳасидаги рақобатдан фарқ қилади. Тадбиркорликда даромад кўринишидаги фойда олиш учун фаолият олиб борилса, таълим муассасаси ўзининг потенциал имкониятларини ўстириш ва кенгайтириш учун ҳаракат қилади.



“Кластер” атамасининг мазмун-моҳиятини кенгрок очиб бериш учун бу тушунчани иқтисодий адабиётларда қўлланилишига эътибор қаратиш лозим.

Замонавий кластер тамойилларининг асосчиси ва уларни рақобатбардошликни оширишга ҳиссасини илмий асослаган олим сифатида Майкл Портерни кўрсатишимиз лозим. Унинг таълимоти қўйидаги хулосаларга келишимизга асос бўлади: кластер бўлиш учун географик нуқтаи назардан бир-бирига яқин ҳудудда жойлашган компаниялар ва уларга алоқадор ташкилотлар бир соҳада, бир фаолият тури билан шуғулланишлари ва бир-бирини тўлдириб туришлари даркор. [3.]

Кластерлаш ғояларининг иқтисодий тамойилларини ўрганар эканмиз, биз қўйидаги хулосаларга келамиз:

Кластер ижтимоий-иқтисодий воқелик сифатида ҳудудий-соҳавий ҳамкорликнинг янги шакли ҳисобланади, бунда кластернинг иштирокчилари бўлиб махсулотни яратиш жараёнининг субъектлари ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар, истеъмолчилар, илмий-текшириш институтлари, олий таълим муассасалари, банк-молия муассасалари, ҳудудий маъмуриятлар, инфратузилмалар, жамоат ташкилотлари ҳисобланади.

Кластернинг вужудга келишида асосий ўринни ўзаро манфаатдорлик асосига қурилган турли ташкилотларнинг мустаҳкам интеграциялашуви эгаллайди.

Кластернинг бошқа иқтисодий тузилмалардан фарқи шундаки, бунда корхоналар бир-бири билан тўла боғланиб кетмайди, балки юридик мақомини сақлаб қолган ҳолда ҳамкорлик механизмларини яратиш имконини беради.

Кластернинг асосий мақсадларидан бири ягона профессионал ҳудудни ташкил қилиш орқали янги технологиялар, билимлар, махсулотлар улашиш орқали мустаҳкам ҳамкорликни назарда тутаяди.

Иқтисодий кластер усулининг энг мақбул томони бу лойиҳа иштирокчиларининг рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини амалга оширишдан иборатдир.

Кластер ғояси ўзининг тўла ифодасини ҳудудий кластерларни ташкил этиш жараёнида намойиш этади. Бунда бутун минтақанинг иқтисодий мақсадлари қамраб олинади.

Таълим тизимида кластер усулига мурожаат қилиш барча даражадаги таълим муассасаларининг: олий таълим, касб-хунар таълими, лицейлар, илмий-текшириш институтларининг ўзаро бирлашишини, маълум бир лойиҳаларни амалга ошириш учун ўқувчилар, талабалар, ўқитувчиларнинг ҳамкорлигини таъминлайди. Бу борадаги ижтимоий ҳамкорлик иштирокчиларнинг рақобатбардошлигини оширади битирувчиларнинг меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган, сифатли махсулот яратишга қодир мутахассис бўла олишларига имкон яратади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз, -Т.: Ўзбекистон, 2016.
2. Ходжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластери // пед. фан. док.дисс. (DSc) – Чирчик, 2020. –277 б.
3. Портер М. Конкуренция. Санкт-Петербург; Москва; Киев: Издат. дом «Вильямс», 2000
4. Г.Б.Болоний, В.Ю.Лыскова. Кластерный подход и его использование в научно-педагогических исследованиях. Вестник ТГУ, т.16, вып.1, 2011.
5. Портер М. Конкуренция. Санкт-Петербург; Москва; Киев: Издат. дом «Вильямс», 2000.
6. Разуваев И.Г. Особенности взаимодействия финансового и интеллектуального капитала в российской экономике: автореф. дис. ... канд. эконом, наук: 08.00.01. Самара, 2007. 24 с.
7. Абдиримова, И. К. (2020). Лойиҳалаш фаолиятининг босқичлари лойиҳага ёндашув моҳияти ва мақсадлар уйғунлиги. Science and Education, 1(Special Issue 2). 18-26.22 9.
8. Abdirimova, I. Methods and tools for the implementation of project activity in education. 10.
9. Khodjamkulov, U., Botirova, S., Shofkorov, A., & Abdirimova, I. (2020). Bases of Organizing Cooperation between Educational Institutions through Clusters (on the Example of the Education System of Uzbekistan). Journal of Critical Reviews, 7(12), 243-247. 11. И. К.
10. Абдиримова Гармония образования в формировании любви к стране у молодежи Academic Research in educational sciences volume 2 (Issue 2) 2021 ISSN: 2181-1385, 1416-1421



Impact Factor:
7.569



INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

 9940 572 462  6381 907 438  ijirset@gmail.com



www.ijirset.com

Scan to save the contact details